

## МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРИЛМАСЛИГИ ДАЪВОНИНГ РАД ЭТИЛИШИГА АСОС БЎЛАДИ.

Нурафшон туманлараро иқтисодий  
суди раисининг ўринбосари **И.Юсупов**  
Нурафшон туманлараро иқтисодий  
судининг судьяси **З.Раджабов**

**Аннотация:** мазкур мақолада мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилмаслиги оқибатида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлари таҳлил этилган ҳамда мазкур йўналишда суд амалиётидан мисоллар келтирилган.

**Калит сўзлар:** мажбурият, одатлар, маҳсулот, спецификация, шартнома, суд инстанцияси, ҳал қилув қарори.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг (ФК) 8 ва 234-моддаларига кўра мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Мақолада келтириб ўтилган мисолда мажбурият тарафлар ўртасида имзоланган шартномадан келиб чиққан. Шунингдек, ФКнинг 236-моддасига асосан мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

*(иқтисодий ишдан кўчирма тарафлар номлари ўзгартирилган ҳолда)*

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси (Палата) “Адолат” масъулияти чекланган жамиятининг (даъвогар) манфаатида иқтисодий судга мурожаат қилиб, “Х-Х-Х” акциядорлик жамияти (жавобгар) ўртасида 2024 йил 8 июнда “O‘zbekiston Respublikasi Tovar-xomashyo birjasi” акциядорлик жамиятининг электрон тизими (электрон дўкони) орқали 263356-сонли (лот рақами 541510083366899) шартнома тузилган бўлиб, унга кўра, даъвогар жавобгарга шартномада кўрсатилган 6 дона “Газ фильтр” товарларини етказиб бериш, ўз навбатида, жавобгар шартномада белгиланган муддатда ва тартибда тўловни амалга ошириш ва товарни қабул қилиб олиш мажбуриятини олган.

Даъвогар томонидан ўз мажбуриятларини бажариш мақсадида 2024 йил 15 августдаги 115-сонли юк хати орқали газ филтрларини етказиб берилганлиги, жавобгар томонидан 2024 йил 18 августда уни қабул қилиб

олинган бўлса-да, шартнома бўйича тўловларни тўлаб берилмаганлиги асосида келтирилган важлар билан Палата даъвогар манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар ҳисобидан 160 000 000 сўм асосий қарз, 10 306 481,01 сўм пеня ундиришни сўраган.

Суднинг 2024 йил 19 ноябрдаги ажрими билан ишга “O‘zbekiston Respublikasi Tovar-xomashyo birjasi” акциядорлик жамияти низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган.

Биринчи инстанция судининг 2024 йил 10 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанциясининг 2025 йил 3 февралдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Тафтиш инстанциясининг 2025 йил 30 апрелдаги қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Палата даъвогар манфаатида Олий судга тафтиш тартибидаги шикоят билан мурожаат қилиб, ушбу иш бўйича қабул қилинган суд қарорларини бекор қилишни сўраган.

Келтирилган шикоятда судлар ишларни суд мажлисида тақдим этилган далилларга асосан қонунга амал қилган ҳолда ҳар томонлама, тўлиқ ва холис кўриб чиқмаганлиги, судлар даъвогар томонидан айнан шартномада кўрсатилган техник параметрлар бўйича газ фильтрларини етказиб берганлигига лозим даражада эътибор қаратмаганлиги, далилларга қуйи судлар ҳуқуқий баҳо бермаганлиги, бундан ташқари Хитой давлати томонидан ишлаб чиқарилган газ фильтрлари янгилигига, 2024 йил ишлаб чиқарилганлигига ҳам етарли ҳуқуқий баҳо берилмаганлиги, газ фильтрни маҳкамловчи винтларни ҳам жавобгарга етказиб берганлигига қуйи судлар баҳо бермаганлиги, даъвогар томонидан етказиб берилган маҳсулотлар сифатсиз ёки ностандарт бўлганлиги исботлаб берилмаганлиги, даъвогар томонидан 6 дона газ фильтрлари жавобгарга ҳақиқатда етказиб берилган бўлса-да, қуйи судлар етказиб берилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас деб нотўғри хулосага келганлиги ҳақида важларни билдирган.

Ишдаги ҳужжатлардан аниқланишича, тарафлар ўртасида 2024 йил 8 июнда электрон тизим (электрон дўконда) орқали 263356-сонли (лот рақами 541510083366899) шартнома тузилган бўлиб, унга кўра, даъвогар жавобгарга шартномада кўрсатилган маҳсулотларини етказиб бериш, ўз навбатида жавобгар шартномада белгиланган муддатда ва тартибда тўловни амалга ошириш ва маҳсулотни қабул қилиб олиш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 1-бандига асосан даъвогар жавобгарга 6 дона “John

Crane” томонидан АҚШда ишлаб чиқарилган, техник параметрлари “суд ҳужжатида тўлиқ кўрсатиб ўтилган” товарини етказиб бериш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 2.3 ва 2.5-бандларида буюртмачи товарнинг сони тўлиқлиги, бутлиги, сифатини ва эълонда ёки офертада кўрсатилган бошқа талабларга мувофиқдигини ижрочининг иштирокида текшириб қабул қилиб олиши шартлиги, ижрочи томонидан товарни етказиб берилганлиги ва буюртмачи томонидан текшириб олинганлиги ижрочи расмийлаштирган ҳисоб-фактурани тарафлар томонидан имзоланиши билан тасдиқданиши белгиланган.

Бироқ, даъвогар ушбу шартларга риоя қилмасдан, 2024 йил 15 августдаги 115-сонли товар-транспорт юк хати билан 6 дона газ филтърлари жавобгарга “Яндекс” такси хизматлари орқали юборган.

Маҳсулотлар жавобгарнинг омборига қабул қилишдан аввал назоратидан ўтказилганда, у техник шартга мувофиқ эмаслиги, ўлчамлари мос келмаслиги, техник паспорти ва қадоқлаш варағи мавжуд эмаслиги, маҳсулотнинг маҳкамловчи винтлари мавжуд эмаслиги, филтърнинг ўлчамлари стандарт ўлчамлар билан таққослангандан 2 мм.га узунлиги, шунингдек, филтърларнинг техник кўрсаткичлари ишлаб чиқарувчи ташкилот томонидан тасдиқланган ҳужжатлар, сертификатлар мавжуд эмаслиги аниқланиб, маҳсулотларни омборхонага кирим қилишга рухсат берилмаган ва бу ҳақда 2024 йил 18 августда 26-сонли далолатнома расмийлаштирилиб, даъвогарга юборилган.

Кейинчалик даъвогар томонидан жавобгарга 6 дона газ филтѐри етказиб берилганлиги ҳақидаги ваз билан 2024 йил 30 августда 23334587-сонли электрон ҳисобварақ-фактура юборилган. Бироқ, жавобгар томонидан мазкур ҳисобварақ-фактурани тасдиқлаш рад этган.

Ваҳоланки, даъвогар томонидан айнан шартномада кўрсатилган техник параметрлар бўйича газ филтѐрлари етказиб берилмаган бўлиб, даъвогар томонидан жавобгарга етказиб берилган газ филтѐрлари шартноманинг

1-бандида назарда тутилган “John Crane” компанияси томонидан Америка Қўшма Штатларида ишлаб чиқарилган маҳсулот эканлиги исботлаб бера олмаган.

Шунингдек, даъвогар томонидан 6 дона газ филтѐрлари “Яндекс” такси хизматлари орқали юборилган бўлиб, даъвогар томонидан маҳсулотлар кириш назоратидан ўтказилганда, у техник шартга мувофиқ эмаслиги, ўлчамлари мос эмаслиги, техник паспорти ва қадоқлаш варағи мавжуд эмаслиги, маҳсулотнинг маҳкамловчи винтлари мавжуд эмаслиги,

филтрнинг ўлчамлари стандарт ўлчамлар билан таққослангандан 1 мм.га узунлиги, шунингдек, филтрларнинг техник кўрсаткичлари ишлаб чиқарувчи ташкилот томонидан тасдиқланган ҳужжатлар, сертификатлар мавжуд эмаслиги аниқланиб, маҳсулотларни омборхонага кирим қилишга рухсат берилмаган ва бу ҳақда далолатнома расмийлаштирилиб, даъвогарга юборилган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг спецификациясида ҳам етказиб берилиши лозим бўлган газ филтрлари “John Crane” компанияси томонидан Америка Қўшма Штатларида ишлаб чиқарилган бўлишлигига келишилган.

Бироқ, даъвогар газ филтрларини “Bara Holding” масъулияти чекланган жамиятидан сотиб олганлиги, “Bara Holding” масъулияти чекланган жамияти ўз навбатида Хитой давлатидаги “Xuzhou Xu Sup Chain Management Co.LDT” корхонасидан сотиб олиб, жавобгарга етказган.

Ваҳоланки, шартноманинг муҳим шартларидан бири, маҳсулот АҚШда ишлаб чиқарилган бўлиши лозимлиги аниқ кўрсатилган.

Бундай ҳолатда биринчи инстанция суди даъвони рад этиб асосли хулосага келган бўлса, юқори инстанция судлари мазкур суд ҳужжатини ўзгаришсиз қолдириб тўғри хулосага келганлиги сабабли суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси;
3. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни;
4. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 04.03.2022 йилдаги “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 163-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 15.06.2007 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар Фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунини иқтисодий судлар амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 103-сон қарори.
6. Суд амалиёти.